

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ХУДУДЛАРИДА ЭКОТУРИСТИК МАРШРУТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Комилова Н.Қ<sup>1</sup>., Usmanov M.R<sup>2</sup>., Ҳакимов Б.Б<sup>3</sup>.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Jizzax viloyati hududining ekoturistik marshrutlari, Zomin-Xўjamushkent ekoturistik marshruti, Sangzor havzasi ekoturistik marshruti, Nurata va Aydar-Arnasoy kўllar tizimi ekoturistik marshruti hamda viloyat turistik destinatsiyalarini rivojlantirish uchun kuyidaagi taklif va tavsiyalarlarga oid ma'lumotlar berib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** turizm, ekoturizm, ekoturistik marshrutlar, turistik destinatsiyalar, mehmoxonalar, ziёratgoxlar, muzeylar, siхatgoxlar, infратузилма.

## ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИСТИЧЕСКИХ МАРШРУТОВ НА ТЕРРИТОРИИ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация:** В данной статье представлена информация об экотуристических маршрутах Джизакской области, экотуристическом маршруте Заамин-Ходжамушкет, экотуристическом маршруте Сангзорской котловины, экотуристическом маршруте Нуратинской и Айдаро-Арнасайской озерной системы, а также следующие предложения и рекомендации по развитию региональных туристических направлений.

**Ключевые слова:** туризм, экотуризм, экотуристические маршруты, туристические объекты, гостиницы, святыни, музеи, курорты, инфраструктура.

## GEOGRAPHICAL ASPECTS OF ECOTURISTIC ROUTES DEVELOPMENT IN THE TERRITORY OF JIZAK REGION

**Annotation:** This article provides information on ecotourism routes in Jizzakh region, Zaamin-Khojamushkent ecotourism route, Sangzor basin ecotourism route, Nurata and Aydar-Arnasay lake system ecotourism route, as well as the following proposals and recommendations for the development of regional tourist destinations.

**Key words:** tourism, ecotourism, ecotourism routes, tourist destinations, hotels, shrines, museums, resorts, infrastructure.

“Сайёҳат нима бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай жиҳатдан кўпроқ нарса ўргатади. Баъзида бошқа жойда ўтказилган бир кун, уйда ўтказилган ўн йилдан кўпроқ нарса беради”.

*француз ёзувчиси Анатолий Франс.*

**Кириш.** Дунё мамлакатлари амалиётида туризм ва рекреациянинг биргаликда ривожланишида табиат ёдгорликлари, алоҳида муҳофаза

<sup>1</sup> Комилова Нилуфар Каршибоевна - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси профессори, г.ф.д., e-mail: [nkomilova75@mail.ru](mailto:nkomilova75@mail.ru)

<sup>2</sup> Usmanov Mashrab Rustamovich - Jizzax davlat pedagogika instituti geografiya va iqtisodiy bilim asoslari kafedrasida o'qituvchisi, [mashrabusmnov79@gmail.com](mailto:mashrabusmnov79@gmail.com).

<sup>3</sup> Hakimov Bekzod Bekpo'latovich - Jizzax davlat pedagogika instituti geografiya va iqtisodiy bilim asoslari kafedrasida o'qituvchisi, [xakimovbekzod87@gmail.com](mailto:xakimovbekzod87@gmail.com)

этиладиган ҳудудлар, экотизимларни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини тиклашда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, алоҳида ҳудудларнинг туристик ва рекреацион имкониятларини баҳолаш, улардан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштиришнинг комплекслик имкониятларини аниқлаш ҳамда самарадорлигини оширишда катта аҳамият эгадир.

Туризм биринчи навбатда сайёҳларнинг дам олиши ва даволанишини кўзлайди, ҳамда давлатларнинг фақатгина иқтисодиётига таъсир кўрсатибгина қолмасдан балки, ижтимоий, маданий ва таълим соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади [4].

Ҳозирги кунда туризмнинг жаҳон хўжалигидаги хиссаси йил сайин ошиб, у асосий макроиқтисодий тармоқлар қаторида ривожланмоқда. Шунингдек, дунёдаги кўпгина давлатларнинг муҳим даромад манбаи сифатида иқтисодиётида асосий ўрин тутмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда мазкур соҳага эътиборини кучайтириш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони мамлакатимизда туризмни, халқаро туризмни ривожлантиришда туб бурилишни, янги босқичнинг заминини, истиқболли ислоҳатларнинг шароитларини яратди. Президент фармонида [1]:

- “Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини

- зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризминини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш,

- ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” белгиланган.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Маълумки, ҳар қандай туристик фаолият танланган маршрут асосида маълум бир мақсад, вақт ва йўналишда амалга оширилади. М.Б.Биржаковнинг фикрича - туристик маршрут бу географик объектларга турли мақсадларда, йўналишларда ҳаракатланадиган саёҳатдир.

Ишнинг мақсади Жиззах вилоятида сайёҳлик, соғломлаштириш, дам олиш масканларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун мавжуд ресурслар имкониятларини таҳлил қилиш, рекреация-туристик жиҳатдан районлаштириш ва рекреация-туристик маршрутларни аниқлаш, илмий асосда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш, сайёҳлик-рекреацион карта ҳамда маршрутлар йўналишларини ишлаб чиқишга оид маълумотларини ўрганишдан иборат бўлиб, ишнинг вазифалари сифатида Жиззах вилояти ҳудудининг экотуристтик маршрутлари, Зомин-Хўжамушкент экотуристтик маршрути, Сангзор ҳавзаси экотуристтик маршрути, Нурота ва Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристтик маршрути ҳамда вилоят туристик дестинацияларини ривожлантиришга оид маълумотларни ўрганишдан иборат.

**Асосий қисм.** Маълумки, барча соҳаларни ривожлантириш учун, албатда унинг илмий асосларини ишлаб чиқишга тўғри келади. Хусусан, вилоятда туризм соҳасининг ривожлантириш учун минтақанинг туристик имкониятларига катта аҳамият беришимиз лозим. Шунингдек, вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш учун ҳудудининг экотуристтик маршрутларини ишлаб чиқдик. Ушбу лойиҳа сайёҳларни вилоят ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиши учун туристик маршрут бўлиб асос бўлади.

Вилоят ҳудудининг туристик имкониятлари, ҳудудий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда 3 та экотуристтик маршрутларга ажратилди. Туристтик

худудларни номлашда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидагича номланди:

1. Зомин-Хўжамушкент экотуристик маршрути;
2. Сангзор хавзаси экотуристик маршрути;
3. Нурота ва Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристик маршрути;

Мазкур туристик маршрутларга Жиззах шаҳридан туристик дестинацияларга бориладиган йўналишлар белгиланиб, тахминан бориладиган масофалар аниқланди [2; 33-41-б.].

**Зомин-Хўжамушкент экотуристик маршрутида** Жиззах шаҳридан чиққан сайёҳлар мазкур йўналиш орқали Пишағор ғори, Хўжаий Сероб ота, Кўк тўнли ота зиёратгоҳларини ҳамда Зомин шаҳрининг янги замонавий қиёфасини, Зомин сув омбори, Зоминсой дарёси ва унинг ирмоқларини, шаршараларини, тоғ манзараси ва арчазорларини, Зомин сихатгоҳи, Супа, Чортангри, Миқ қаъласи қолдиқларини ва Култпепа архелогик қазилмаларини, Ховатак-Гулшани сихатгоҳини шунингдек, Хўжамушкент сув омбори ҳамда авлиё Хўжамушкентота мақбарасини зиёрат қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу маршрут бўйлаб сайёҳат қилинганда бориб-келиш йўлларини ҳисобга олганда, тахминан 280 км йўл босади. Йўлнинг асосий қисми енгил автомабил, автобус ёки микроавтобуслар орқали, 8-10 км лик масофа отлар билан ва 1-2 км пиёда ёки қиш фаслида Зомин миллий боғ ҳудудида чанғилар ёрдамида ҳаракатланиши мумкин.

Зомин-Хўжамушкент маршрутида ҳаракат қилган сайёҳлар ўзларининг қизиқишларига кўра илмий-тадқиқот ишлари билан ҳамда бу ҳудудда дам олиши, спорт ўйинларида иштирок этиши, даволаниши ва зиёрат амалларини ҳам бажариш имкониятига эга бўлишади. Туристик сайёҳатлар бир неча кун давом этса, Зомин миллий боғи атрофидаги кемпингларда ва Зомин шаҳридаги замонавий меҳмонхоналар ҳамда уй-меҳмонхоналарида дам олиб хордиқ чиқариш имкониятларига эга бўлишади. Ҳозирги кунда мазкур туристик ҳудудларни кенгайтириш ва ривожлантириш учун кўпгина амалий ишлар олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда Зомин

шаҳрини замонавий туристик шаҳарга айлантириш учун кенг кўламдаги қурилиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, туристик имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бу минтақаларни маҳаллий туристик ҳудуддан халқаро туристик ҳудуд босқичига ўтиши ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатади.

**Сангзор хавзаси экотуристтик маршрутида** сайёҳлар Сангзор оромгоҳи, Темурланг дарвозаси, Сангзор дарёсининг ўрта ва юқори оқимлари, Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи, Ойқартоғ манзаралари, Новқа ота зиёратгоҳи ва булоқлари, Маржанбулоқ минерал сувлари ва даволаниш масканларига маршрутлар ташкил этиш мумкин. Бу маршрут бўйлаб сайёҳатга бориб-келиш йўлларини ҳисобласак, тахминан сайёҳ 190 км йўл босади. Бу йўналишда ҳам йўлнинг асосий қисмини енгил автомобил, автобус ёки микроавтобуслар орқали амалга ошириб, Маржанбулоқ-Жиззах йўналишида (масофа 40 км) тез юрар поездларда, шунингдек сайёҳларнинг хоҳиш ва истакларига кўра ҳаракатланишнинг турли хил воситаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Сангзор маршрутида ҳаракат қилган сайёҳлар қизиқишларига кўра даволаниш, спорт ўйинлари, дам олиш ва зиёрат амалларини ҳам бажариши мумкин. Сайёҳат бир неча кун давом этадиган бўлса, Ғаллаорол ва Ўсман шаҳарларидаги меҳмонхоналарда, маҳаллий аҳолининг уй-меҳмонхоналарида ҳамда ёз фаслида чодирларда ҳам дам олиш имкониятлари бор. Экотуристтик ҳудудни ривожлантириш учун ҳозирги кунга қадар етарли даражадаги илмий амалий ишлар олиб борилмаган. Фақат, Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи ва Маржанбулоқ санаторияси ҳудудидаги қурилиш ишлари ҳамда хизмат кўрсатиш бир-мунча талаб даражасига яқин бўлса, ҳудуднинг қолган қисмларида кенг кўламда қурилиш ишларини олиб бориш лозим бўлади.

**Нурота ва Айдар-Арнасой кўллари тизими экотуристтик маршрутида** сайёҳларни Айдар Арнасой кўллари тизими ва унинг атрофидаги экотуристтик ҳудудга келиб-кетишларини ҳисобга олиш, туризмни

ривожлантиришдаги муҳим босқичларни амалга ошириш зарур. Айдар Арнасой кўллар тизими экотуристтик ҳудудига келувчи хорижлик сайёҳларнинг аксарияти дастлаб Жиззах шаҳрига келиб, кейин кўлларга ташриф буюради. Жиззах шаҳридан Айдар Арнасой кўллар тизимига боришда табиат манзаралари ва йўл инфратузилмаси уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда маршрут танлаш лозим.

Жиззах шаҳридан чиққан сайёҳлар ушбу йўналишда Темирязовда оҳактош казиб олиш жараёни, Хонбанди тўғони, Нурота тоғидаги минг йиллик савр дарахти, ёнғоқзорлар ва булоқларни, Писталитоғ манзаралари, Айдар-Арнасой кўллари ва Тузкондаги шифобахш балчикларни, тўқай ва чўл манзаралари, Мирзачўл минерал сувлари ва даволаниш масканлари сайёҳларни қизиқтириши шубҳасиздир. Бу маршрут бўйлаб сайёҳат қилинганда бориб-келиш йўлларини ҳисобга олганда, тахминан 230 км йўл босади. Йўлнинг асосий қисмини енгил ва микроавтобуслар билан, шунингдек сайёҳларнинг хоҳиш ва истакларига кўра тўқай ва чўл манзараларини томоша қилаётганда от ва туялардан, кўл манзараларини томоша қилаётганда қайиқлардан фойдаланган ҳолда ҳаракатланиши мумкин [3; 83-85 б.].

Мазкур экотуристтик ҳудуд маршрутида ҳаракат қилган сайёҳлар қизиқишларига кўра илмий-тадқиқот ишлари, даволаниш, фенологик кузатишлар, сув спорти ўйинларини ташкил қилиш ҳамда дам олиши мумкин. Саёҳат бир неча кун давом этадиган бўлса, Дўстлик шаҳридаги меҳмонхонада, Мирзачўл санаториясида ва кўл атрофидаги кемпингларда ҳамда ёз фаслида чодирларда ҳам дам олиш имкониятлари мавжуд.

**Хулоса.** Мазкур мақолада Жиззах вилоятида туристик дестинацияни ривожлантириш учун қуйидаги туристик маршрутлар ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жиззах вилояти ўзининг табиий-иқлимий, рекреацион, тарихий, маданий ва зиёрат туризм салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф қуйидаги туристик маршрутларни тавсия этди:

- Жиззах шаҳрида жойлашган давлат арбоби ва ўзбек ёзувчиси “Шароф Рашидов” ва таниқли шоир “Ҳамид Олимжон” уй музейларига маданий-тарихий туристик маршрут, шунингдек шаҳар атрофидаги ҳудудларга “Жиззах сомса” сани истеъмол қилиш учун гастронимик маршрут;

- Айдар-Арнасой кўллари тизимига рекреацион, экотуристтик ва гастронимик маршрутлар;

- Мирзачўл туманидаги “Гагарин”, Ғалларол туманидаги “Маржон суви”, Зомин туманидаги “Зомин” сихатгоҳларига рекреацион ва тиббий туризм маршрутлари;

- Вилоятнинг Фориш туманидаги “Нурота” тоғ ўрмон кўриқхонаси ва “Хонбанди” тарихий обидаларига экотуристтик маршрут;

- Вилоятнинг Ғалларол туманидаги “Авлиё ота”, “Сайфин ота”, “Ғубдин ота”, “Жондахор ота” зиёратгоҳларида диний - зиёратгоҳ маршрут;

- Зомин ва Бахмал туманларидаги “Зомин давлат кўриқхонаси” ҳамда “Зомин миллий боғ” ҳудудининг тоғли ҳудудларида экстремал ва тоғ туризми маршрут;

- Вилоятнинг Бахмал туманида жойлашган “Ўснат ота”, “Новқа ота”, “Боғимозор”, “Хўжа кўндаланг”, “Теракли ота”, “Мачитли ота” зиёратгоҳларига диний-зиёратгоҳларга маршрутлар ишлаб чиқиш диний туризмни ривожлантиришга асос бўлади [5].

Юқорида келтириб ўтилган йўналишларда туристик маршрутларни ташкил қилиш ва туристик объектлар атрофида инфратузилмани яхшилаш орқали сайёҳларнинг янада ортишига асос бўлади. Мазкур соҳани ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ва янги маршрутларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган дабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони.

2. Ғўдалов М.Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. Тошкент. “Фан ва технология” нашриёти. 2014, 33-41 б.

3. Холдорова Г., Ҳазратқулова Г ва бошқ. Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари. География ва география таълимидаги муаммолар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах. 2018 й. 83-85 б.

4. Mirzayev M.A., Aliyeva M.T. Turizm asoslari. – Toshkent: O'zbekiston, 2011. - B.45.

5. Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Л. З. Ибрагимов., Б. М. Мусаев., Д. К. Убайдуллаев. Jurnal – “Science and Education”. 2021 й. 429-434 б.

Usmanov, M. R. (2021). The Prospective Of The Development Of Ecotourism In Jizzakh Region. *Journal of Geography and Natural Resources*, 1(01), 8-10.

6. Ҳақимов Қ., Ғўдалов М. “Жиззах вилояти географияси”. Монография. Жиззах, 2004 й.

7. Komilova, N. K. (2021). TOURIST DESTINATION AS AN OBJECT OF RESEARCH OF SOCIAL AND ECONOMIC GEOGRAPHY. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 2058-2067.

8. Usmanov, M. (2020). Туризм–иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқод объекти сифатида. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-5.

9. Холиқулов, Ш., & Ибодуллаев, Қ. (2020). Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантириш истиқболлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-

10. Komilova, N. K., Matchanova, A. E., Safarova, N. I., Usmanov, M. R., & Makhmudov, M. M. (2021). Some socio-economic aspects of gastronomic tourism study. *Estudios de economía aplicada*, 39(6), 12.

11. Усманов, М. (2020). Теоретика-методологические вопросы географии экологического туризма. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1-4.

12. Usmanov, M. (2020). Ekoturizmni rivojlantirishning o'ziga xos geografik xususiyatlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.



13. Қурбонов, К. (2020). Жиззах вилояти ва унинг ривожланиш истиқболлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

14. Bekpulatovich, K. B. (2020). The nature of the nurata ridge and its protection. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(10), 651-654.

15. Камолов, М. Н., Холмирзаев, Ж., & Хакимов, Б. (2021). ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ГИДРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ. *Журнал естественных наук*, 1(5).

16. Усмонов, М. (2020). JIZZAX VILOYATIDA EKOLOGIK TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING VA'ZI BIR IMKONIYATLARI. *Журнал естественных наук*, (1).

17. Usmanov, M. (2020). Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда “диний туризм” нинг аҳамияти. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

18. Қурбонов, К., & Бурхонов, Э. (2020). Туризм ва унинг ривожланиш босқичлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

#### **Интернет манбалари:**

- [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
- <https://uzbektourism.uz>
- [info@jizzax.uz](mailto:info@jizzax.uz)
- <https://jizzax.uz>
- <https://www.jizzaxstat.uz>